O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 134 (9.478) 2000 йил 13 ноябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

Қурилиш

ЯНА БИР МУҲТАШАМ БИНО

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси қурилиши 1996 йилда бошланган бўлиб, уни бунёд этиш «Туронмарказқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг «Бинокор» қурилиш бошқармаси бунёдкорлари зиммасига юкланган эди. Ўша даврда бунга ажратилган 1,5 гектарлик жойда қурилиш-тиклаш ишлари авж олди. Лекин маълум сабабларга кўра 1998 йил охирида бунёдкорлик ишлари бироз кечиктирилган эди.

Айни кунларда эса қурувчилар ушбу қурилиш майдонида яна қизғин фаолият бошладилар. Улар билан биргаликда пойтахтимиздаги «159-трест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 9-қурилиш бошқармасининг моҳир қурувчилари ҳам ғайрат билан ишга киришишди. Ушбу бунёд этилаётган замонавий иншоотнинг лойиҳасига кўра маъмурий ҳамда ўқув корпусларида қурилиш-тиклаш ишлари давом эттирилмоқда. 3 та ўқув биносида 22 та факультет ва кафедралар учун лекция аудиториялари ҳамда кутубхоналар, мусиқа тинглаш, дам олиш, мусиқа асбоблари устахонаси ва бошқа зарур хоналар жойлашади. Шунингдек, албатта бундай замонавий бинода талаб даражасидаги ошхона ва спорт зали ҳам бунёд этилиши, шубҳасиз.

Бугун бу бинони бунёд этиш йўлида тер тўкаётган қурувчилар орасида нафақат тикловчи, пайвандчилар, моҳир ғишт терувчилар ҳам бор. Ушбу қурилиш майдонида меҳнат қилаётганларнинг барчаси ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, янги, замонавий консерватория биносини ички шинам ва қулайлиги, ташқи гўзаллиги билан талабаларга тортиқ этиш ниятидадирлар.

— Бизнинг бригадамиз аъзолари моҳир ғишт терувчилардан ташкил топган, — дейди ғишт терувчи Зокиржон Одилов. — Шу боис ҳам ишларимизни ҳамиша пухта ва сифатли бажарамиз. Насиб этса ҳали бизнинг меҳнатимиз самарасидан бу ерда таълим олувчи талаба ва устозлар мамнун бўлиши, шубҳасиз. Ана шу боис ҳам шу ерда яхши ният билан меҳнат қилаётган ҳамкасбларимиз бор куч ва ғайратларини ишга солишмоқда. Шу билан бирга бу замонавий маскан шаҳримизга ҳам ўзгача файз бағишлайди.

Халқимизда «Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал» деган нақл бор. Шу боис ҳам келгуси йилда фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган консерватория биносини ўз кўзингиз билан кўриб бунга амин бўласиз.

Дилдора ҒАНИЕВА.

СУРАТЛАРДА: дурадгор Шомурод Шамсуддинов ва бригадир Игорь Трушин; ғишт терувчи Зокиржон Одилов; қурилиш майдонида.

Сергей Любчич олган суратлар.



Муносабат

ЭЛ НАФРАТИГА УЧРАГАНЛАР

Донишманддан сўрашибди:

— Тақсир, айтинг, сиз учун қай бири қулай, яхшилик ҳақида сўз айтишми ёки ёмонлик хусусида...

— Яхшилик тўғрисида гапирган афзал-да, бўтам.

— Сабаб?

— Боиси оддий. Яхшиликни хаёлласанг дилинг равшан тортади. Аллақандай сеҳрли нур ширин қўшиқдек қалбинг тубига чўкиб, уни кундек равшан этиб туради. Сўзлар равон келиб, ёзганларинг дарҳол қовуша қолади. Ёмонликни зикр этмоқчи бўлсанг, мингбад уринганинг билан ҳадеганда қаламинг юриша қолмайди.

Қиссадан ҳисса шуки яхшиликни таърифлашга нима етсин! Лекин бу ҳаёт уммонида кеча ва кундуз бор экан яхшилик билан ёмонлик ҳам бўларкан.

Аслида бугун биз сўз юритмоқчи бўлган мудҳиш воқеалар тафсилотини ваҳшийлик, ёвузлик, босқинчилик, хоинлик деб аташ жоиз бўлса-да, уни умумий тарзда ёмонлик деб атай қолдик. Албатта, бугунги ақли зукко газетхон гап нима ва кимлар ҳақида бораётганини билиб, ҳис этиб турибди. Қолаверса бугун Ўзбекистон Республикаси Олий судида қотиллик, терроризм, босқинчилик, қўпорувчилик, мамлакат Президенти ва Конституциявий тузумига тажовуз қилиш каби ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган 12 шахс устида давом этаётган суд жараёни барчанинг диққат марказида бўлмоқда. Шу сабаб бугун фикри-зикримиз Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Ахборот» дастури ва оммавий ахборот воситаларига қаратилган. Улар орқали жабрланувчиларнинг қалбларини ларзага келтирувчи аламли оҳ-фарёдларини тинглаяпмиз, ўқияпмиз. Улар Ватан хоинларига мингбад лаънатлар ёғдиришмоқда, суд ҳайъатидан туз ичиб, тузлуғига тупурган бу нобакорларга энг оғир жазо берилишини талаб қилишмоқда.

Ватан хоинларига қарата шундай дегимиз келади:

— Сизларга нима етишмасди ўзи? Ерми, осмонми, тоза ҳавоми? Ахир она-табиат инъом этган бу неъматлардан ҳамма қатори сиз ҳам баҳраманд эдингизку?! Бугун сенларнинг (кечирасиз, «сиз» дейишга тилимиз бормади) ёвуз қилмишларинг туфайли бола отасидан жудо бўлди, она фарзанд доғида куйиб қолди. Куни кеча чимилдиқ кўрган келин севимли ёридан айрилди. Хуллас, бугун жаннатмакон юртимизда яшаётган ақли расо инсон зоти борки ҳаммаси қўл очиб сени лаънатламоқда.

Энди ўзинг айт, эй малъун. Халқ нафратига, унинг қаҳру ғазабига учраган кимса ҳеч қачон рўшнолик кўрганми? Йўқ. Фақат завол кўрган. Шундай экан ҳар қанча уринганинг билан халқнинг келажакка, истиқлолни мустаҳкамлашга бўлган ишончини сўндира олмайсан. Бу ишонч, бу туйғу ҳар биримизнинг жонимиз ва қонимизга сингиб кетган.

Бугун бунёдкор халқ қуряпти, меҳнати билан Мустақиллик деган бузилмас қўрғонни мустаҳкамлаяпти. Ўтган 9 йил халқимиз тарихида ўчмас из қолдирганини ўзинг кўриб, билиб турибсан. Бундай имкониятга фақат ўткир ақл, идрок, билим, улуғ Йўлбошчининг буюк салоҳияти билан эришилди. Шундай экан, сендек икки дунёси қора кимсаларнинг динни ниқоб қилиб, иродаси бўш ёшларни йўлдан уриб, уларга асоссиз, пуч дабдаба билан жаннатни ваъда қилиб, шу йўл билан ҳамкор, ҳамфикр тўплаб, ҳокимиятни эгаллаш ҳомтамасида эркам, — дейди онам мени иссиқ бағрига қаттиқ босиб.

Ширин ҳаётдан эрта кўз юмган ким экан ўша инсон? Ёшми, қарими? Мана шу савол мени қийнайди.

— Ким бўлса ҳам барибир тирик зот-да, кўзичоғим. Ахир ким ҳам ҳаёт билан видолашгиси келади.

Онамнинг бу сўзларидан юрагим ғашланади...

Ёшликнинг унутилмас бу онлари қай биримиз билан кечмаган дейсиз.

Энди билсак аслида ўша дамларда юрт туйғуси, одамларга муҳаббат ифодаси қалбимизга сел каби қуйилиб кириб келаётган экан.

Мавзуга қайтайлик. Бугун эл назаридан қолиб, унинг нафратию қарғишига учраган малъун, энди сен айт, ёшликда қалбингга жо бўлган бу ҳиссиётлар ўрнини қачон ҳудбинлик, жоҳиллик эгаллаб улгурди? Бу нима? Майли, бу саволларга ҳозирча ҳар биримиз жавоб излайверайлик. Аниқ хулосани эса одил суд ҳукмидан кейин чиқарамиз.

Лекин сен қадр билмас, тинчлик ўғриси, террорчи, хоинларга айтадиган сўнгги сўзимиз шу: ўша беғубор ёшликда мусаффо осмонга тикила туриб энг ёрқин юлдузнинг ўзингники бўлишини истаган эдинг, албатта. Ўша дамда ота-онанг, яқинларинг ниятинг ижобат бўлишига тилак билдиришган бўлса ҳам эҳтимол. Афсус, ўша яхши умид ва истаклар барбод бўлди. Уни ўз қилмишинг билан оёқ ости қилдинг. Бугун эса қилмишингга яраша жазо олаяпсан. Тузлуққа тупурган сендек нобакордан эл-юрт ҳазар қилаяпти.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизматида мудофаа вазири Қодир Ғуломов иштирокида ўтказилган матбуот анжумани Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ўзгаришларга бағишланди.

● Республика фуқаро авиациясини ривожлантириш давлат концепциясини амалга ошираётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси яна бир муҳим қадамни қўйди. Ўзбекистон ҳукумати, молия институтлари — Германиянинг «KFW» банки, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ёрдамида «Тошкент халқаро аэропортининг ер усти хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш» инвестиция лойиҳаси тасдиқланди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази томонидан ўтказилган «Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифлари» деб номланган республика танлови якунланди.

● Республика пул-кредит сиёсати ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

● 2000-2001 ўқув йилининг Президент стипендиатлари совриндорлари маълум қилинди.

● Тошкент туманидаги Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалигида Исроил технологияси асосида сутни қайта ишлайдиган кичик завод ишга тушди.

● Ўзбекистон амалий санъат музейида Чехиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан фотокўргазма уюштирилди. Кўргазма 1918 йилда мустақил деб эълон қилинган Чехословакия давлатининг биринчи президенти Томаш Гарриг Масарикнинг ҳаётига бағишланган.

● Тошкентда республика профессионал бокс федерациясининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси вакиллари, республиканинг барча вилоятларидан ташриф буюрган мутахассислар қатнашди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори Арслон Рўзметов республика профессионал бокс федерациясининг президенти этиб сайланди.

ЖАҲОНДА

● Президентлик сайловларида республикачи Жорж Бушга асосан эркаклар ва оқ танлилар, Альберт Горга эса аёллар ва қора танлилар овоз берди, деб хабар тарқатди АҚШдаги «Воутер нюс сервис» ахборот хизмати.

● Европа Кенгаши Арманистон билан Озарбайжонни ушбу ташкилотга аъзо бўлишга таклиф этди. Икки қўшни мамлакат қабул қилинадиган кун Европа Кенгаши парламент ассамблеясининг январда бўладиган сессиясида маълум бўлади.

● «Толибон» ҳаракати АҚШнинг иқтисодий ёрдам эвазига халқаро террорчи Усама бин Лодинни судга топшириш тўғрисидаги таклифини рад этди. Толиблар террорчининг айби исботланган тақдирда ҳам унинг ишини фақат шариат суди кўриб чиқиши мумкинлигини айтмоқда.

● Мисрда мамлакат ташқи ишлар вазирлиги қошидаги МДҲ мамлакатлари билан техник ҳамкорлик жамғармаси ва Бутунмиср савдо палаталари иттифоқи томонидан ташкил этилган Марказий Осиё мамлакатлари учун навбатдаги ички ва ташқи савдо ҳамда кўргазмалар уюштиришга кўмаклашиш бўйича малака ошириш курслари якунланди.

● «Курск» экипажи жасадларини сув юзасига олиб чиқиш ишлари тугалланадиганга ўхшаб турибди. Бу хабар тўртинчи бўлинмада олиб борилаётган ишлар тўхтатилгандан кейин маълум бўлди. Чунки портлаш натижасида ушбу бўлинманинг ҳар хил техникалар билан тўлиб қолгани боис ғаввослар ҳаёти хавф остида қолмоқда. Операция раҳбарлари вазиятни ўрганиб чиқиб, ғаввосларни сув юзасига чиқаришга қарор қилишди. Ҳозирча 12 нафар денгизчининг жасади сув юзасига олиб чиқилган. Қутқарув ишларининг амалга оширилишига об-ҳавонинг ноқулай келаётгани ҳам ҳалақит берди. Мутахассисларнинг башорат қилишича, шу кеча-кундузда Баренц денгизида яна кучли довул бошланади.

● Ўтган шанба тунида салонидаги 58 киши билан гаровга олинган Махачқалъа — Москва йўналиши бўйлаб учаётган Внуково авиайўналишига қарашли «Ту-154» самолёти кеча эрталаб Исроил жанубидаги Уда аэропортига қўндирилди. Гаровга олганлар экипаждан уни Исроил ҳудудига қўндиришни талаб қилишган. Самолёт ёнилғи олиш учун йўл-йўлакай Бокуга қўниб ўтишга ҳам мажбур бўлган. АҚШ Президенти Билл Клинтон билан музокара ўтказишга отланган Исроил Бош вазири Ёхуд Барак шу ташвишли муносабат билан ўз сафарини ниҳоясига етказмай гаровга олинган самолёт билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда қатнашиш учун яна Исроилга қайтиб келган. Самолётни гаровга олган шахс доғистонлик Загир Ғусейнов бўлиб чиқди. Террорчи Исроил ҳокимиятига таслим бўлди. Кеча гаровга олинган самолёт Москвага учиб кетди.

● XXI асрда Европада иқлимнинг кескин ўзгариши юз беради. Натижада йиллик ўртача ҳарорат 0,1-0,4 кўтарилади. Олимларнинг Европа Иттифоқи буюртмаси билан тайёрлаган маърузасида ана шундай маълумотлар келтирилган.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

Иқтисодиёт ● Ижтимоий соҳа ● Маданият

Таълим

ИНСТИТУТ – ГРАНТ СОҲИБИ

Ўқувчи-ёшларни фавқулодда вазиятлар чоғида тўғри ҳаракат қилишга ўргатишнинг узлуксизлигига эришишни таъминлаш мақсадида ўрта мактаблар дастурларига «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» ўқув фани киритилгани айни муддао бўлди.

Турли хавф-хатарларга нисбатан руҳий барқарорлик ҳиссини юзага келтириш билан боғлиқ машғулотларни ташкил этишда Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фуқаро муҳофазаси институти томонидан амалга оширилаётган илмий изланишлар муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Ҳаёт хавфсизлиги асослари» курси бўйича 5-9-синфлар учун ўқув режаси ҳам ишлаб чиқилди. Айни вақтда институт Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасининг махсус грантини ҳам қўлга киритди. Ана шу грант маблағи «Фавқулодда вазиятлар ва уларни ҳимоялаш тадбирлари» деб номланган янги ўқув-методик қўлланмани яратишда фойдаланилади.

Бу ўқув адабиёти академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Акбар АЛИЕВ.

Футбол

«ПАХТАКОР-1» – ҒОЛИБ

Футбол мактаблари жамоалари ўртасида ҳар йили ўтказиб келинаётган Ҳамид Раҳматуллаев хотира турнири ёш футболчилар маҳоратининг ошишига хизмат қилиши аниқ.

Куни кеча ёш футболчилар ўртасида «Пахтакор» марказий стадионида бир ҳафта давом этган қизиқарли футбол мусобақаси якунланди. Бу йилги хотира турнирининг аҳамияти шундаки, унда нафақат республикамиз ёш футболчилари, балки Чимкент шаҳри футбол мактаби тарбияланувчилари ҳам иштирок этишди. Шуниси қувончлики, рақибларидан бирон маротаба енгилмаган «Пахтакор-1» жамоаси турнир ғолиби бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринлар наманганликларга ҳамда «Пахтакор-2» жамоасига насиб этди. Турнирнинг «Энг яхши дарвозабони» совринни «Пахтакор-1» тарбияланувчиси Виктор Назловга насиб этган бўлса, «Энг яхши ярим ҳимоячи» ва «Энг яхши ҳужумчи» совринларига ҳам пахтакорчилардан Равшан Осимов ва Довуд Жаддаевлар сазовор бўлишди.

«Пахтакор» жамоасининг фахрийлари Сергей Арутюнов ва Вильгелм Қаҳҳоровлар турнир ғолиби ҳамда соврин эгаларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Жисмоний тарбия ва спорт марказий кенгаши таъсис этган совғаларни топширар эканлар, умидли футболчиларнинг келажагига омад тиладилар.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлагановнинг қарорига кўра:

Комилжон Жўраевич Тошпўлатов ўз хоҳишига кўра Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокими лавозимидан озод этилди.

Атҳамжон Жалилович Миржалилов Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод этилиб, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокими этиб тайинланди.

* * *

● **Атҳамжон Жалилович Миржалилов** — 1946 йилда туғилган, ўзбек, маълумоти олий, мутахассислиги муҳандис-механик.

Меҳнат фаолиятини 1961 йили чилангарликдан бошлаган. Сўнг Ўрта Осиё темир йўли бошқармасида турли вазифаларда фаолият кўрсатган, Тошметрополитени бошлиғининг ўринбосари, биринчи ўринбосари, бошлиғи вазифаларида бўлган, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаб келган.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ газетасига 2001 йил учун обуна давом этмоқда!

Шаҳримиздаги барча алоқа бўлимларида «Оқшом»га ёзилишингиз мумкин.

Вақтни ғанимат билиб газетага обунани ўз вақтида расмийлаштириб қўйсангиз 2001 йилдан, XXI асрнинг биринчи кунидан бошлабоқ «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб бораверади. Нашр кўрсаткичларимиз шундай:

Якка обуначилар учун — 209
Ташкилотлар учун — 563

Бугунги кунимизни матбаа маҳсулотларисиз тасаввур этиш қийин, албатта. Ранг-баранг газета ва журналлар, рангли китоблар, хилма хил матбаа маҳсулотлари кунига минглаб нусхада чоп этилади. Айниқса, мустақиллик йилларида уларнинг сифатини ошириш, жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Саноат

ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАНАДИ

Энг кекса матбаа корхоналаридан бири бўлган 1-Тошкент босмахонаси жамоаси ҳам маҳсулот турларини кўпайтиришга, буюртмачилар талабини ўз вақтида бажариб, сифатига ҳам катта эътибор беришмоқда. Босмахонада асосан мактаб дарсликлари, бадиий ва сиёсий адабиётлар, дафтар ва умумий дафтарлар, расм альбомлари, ўқув жиҳозлари, бланка, идора дафтари, турли этикеткалар ишлаб чиқарилади. Бу ерда 6 та — муқовалаш, брошюра, ҳарф териш, қолиплаш, оқ қоғоз ҳамда босиш цехларида малакали, дастгоҳлар тилини яхши билган ходимлар меҳнат қилишади. Шуниси эътиборлики, яқин йиллар ичида корхона цехлари тўла таъмирдан чиқарилиб, жамоада ишчи-хизматчилар учун нафақат самарали ишлашга, шу билан бирга яхши дам олишга ҳам шарт-шароитлар яратилди.

— Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 259 миллион 340 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, — дейди босмахона бош директори Абдумалик Мажидхўжаев, — 22 миллион сўмдан ортиқ фойда олдик. Берилган ҳар бир буюртмани сифатли ва вақтида бажариб бераётганимиз боис буюртмачиларимиз ҳам мамнун. Бу йил «Мактаб кутубхонаси» сериясида таниқли адибларнинг болалар учун лотин алифбосида ижод намуналарини чоп этдик. Президент Ислом Каримов асарлари асосида тайёрланган ўқув қўлланмалари туркумида китоблар, тўрт тилда 3-синфлар учун «Математика» дарслиги, 5-синфларга лотин тилида «Жаҳон тарихидан ҳикоялар» китобини ҳамда рус тилида «Занимательная математика», «Путешествие в мир слов» каби китоб ва 1-синф ўқувчилари учун 4 тилда математика дарслигини босмадан чиқардик. Шунингдек, янги маҳсулотлардан 50 мингта пенсия ҳужжатлари, шампунь ва пойабзал қутиларини ҳам ишлаб чиқардик. Шаҳримиздаги «Ўзбекистон», «F. Fулом», «Ёзувчи», «Меҳнат», «Адолат» нашриётлари, республика Халқ таълими вазирлиги, «Тибтаъминот» уюшмаси билан ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бормоқда.

Албатта, кейинги йилларда корхона ва унинг цехлари қайта таъмирланибгина қолмай, замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланишига ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда. Яқинда Америка давлатидан 245 минг АҚШ долларилик янги босмага тайёрлаш линияси келтирилди. Шунингдек, янги босма машиналар, яъни 8 бўёқли жиҳозлар ҳам корхонанинг таъмирдан чиққан цехларига ўрнатилади. Корхона жамоаси тўла юқори босма усулига ўтиш ниятида. Ушбу янги линияларни бошқариш учун эса корхона ишчи-хизматчиларининг малакалари оширилиб, етук мутахассислар тайёрлашга эътибор қаратилмоқда.

Корхонада хорижий давлатлар билан ҳамкорликда ҳам муваффақиятларга эришилмоқда. Германия, Америка мамлакатлари билан ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Американинг «НПС» матбаа уюшмаси билан ҳамкорликда ўқув маркази ташкил этиш ва жаҳон андозалари даражасидаги рақобатбардош матбаа маҳсулотларини харидорларга манзур этиш мақсади бор.

Ушбу жамоада меҳнат қилаётган 230 нафардан ортиқ ишчи-хизматчиларга яратилган қулайликлар, уларнинг оилаларига кўрсатилаётган ёрдам самарали ва баракали меҳнатнинг, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг гарови бўлмоқда.

Дилноза ҒИЁСОВА.

СУРАТЛАРДА: муқовалаш цехининг илғорлари Малика Мўминова ва Шоҳиста Иброҳимова; босма цехининг тажрибали ходими Мирмаъсуд Мирҳидоятов иш устида; босма цехида малакали мутахассислар меҳнат қилишади. Сергей Любчич олган суратлар.

Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига

КАЛОМ ИЛМИНИНГ АСОСЧИЛАРИДАН БИРИ

Калом илмининг асосчиларидан бири, буюк ватандошимиз, аллома Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллик қутлуғ санасини мамлакатимизда, бутун ислом оламида муносиб нишонлашга хозирлик кўрилмоқда.

Имом ал-Мотуридийнинг бебаҳо илмий диний мероси халқимиз маънавий, руҳий ҳаётидаги дурри гавҳардир. «Халқимизнинг таянчи — аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи катта бир хазина, бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим». Юртбошимизнинг бу сўзлари мамлакатимизда миллий-маънавий қадриятларга алоҳида эътибор берилаётганининг ёрқин далилидир.

Мотуридийнинг муборак ва қутлуғ номи инсоният тарихида муқаддас ислом динининг толмас ҳимоячиси сифатида қолган. Буюк аждодимиз Самарқанд яқинидаги Мотурид қишлоғида таваллуд топганлар. Аввал мактабда ўқиб, сўнгра масжид, мадрасада таҳсил кўрганлар. Ақоиди исломия ва илоҳиётдан дарс берган Муҳаммад ибн Фазл биринчи устозлари бўлган. Кейинроқ калом илмининг улуғ пешволари қўлида билимларини оширганлар.

Мўътабар китобларда ёзиляпшича, Работи Ғозиён масжиди ёнидаги хонақоҳ меҳробига ҳазрати Ҳизр алайҳиссалом назаркарда қилганлар. Шунга кўра Абу Мансур ал-Мотуридийга илми калом, маслакдошлари ва дўстлари Абулқосим Ҳаким ас-Самарқандийга илми ҳикмат бошорат қилинган.

Милодий IX-XII асрлар исломий фан ва маърифатнинг гуллаб-яшнаган даври бўлди. Ҳурфикрлилик асосида турли гуруҳлар, оқимлар вужудга келди. Масжид ва мадрасаларда баҳсмунозаралар авжига чиқди. Мотуридий жамиятда илдиз отаётган беқарорлик, диний бузғунчиликни бартараф этиш мақсадида исломнинг мард ҳимоячиси сифатида майдонга чиқди. Унинг қарашлари ўзи асос солган «Мотуридия» ровиясида тўлиқ ифодасини топди. Бу таълимотда ислом дини ақидаларининг поклигини ҳимоя қилиш, дин тафтишчиларини фош этиш ва турли диний оқимларга қарши кураш алоҳида ўрин тутади. Илми калом ақлий ва нақлий далил ва исботларга таяниб исломни ҳимоя қилиш, уни турли бидъатлардан тозалаш демакдир. Имом ал-Мотуридий дўстлари ас-Самарқандий билан бирга исломга зид оқим вакиллари ва жамоалари билан юзма-юз баҳсмунозараларда ғалабâ қозонишганда Самарқанд ва Бухоро халқи кўчаларга чиқиб масжид ва мадрасаларни, жамоат биноларини тўлдириб, маънавий раҳнамоларини олқишлаб табриклаган. Шунинг учун ҳам Мотуридий ақоидлари 1040 йилда мамлакат ҳукмдорлари томонидан аҳли сунна валжамоа эътиқоди деб эълон қилинган.

«Имом ул-такаллимин», «Имом ул худо» фахрий унвонлари ал-Мотуридийнинг халқ ўртасида катта иззат-ҳурматга сазовор бўлганидан далолат бериб турибди. Бобокалонимиз ал-Мотуридий аҳли сунна валжамоа эътиқодини тиклаб, ботил фирқаларнинг моҳиятини очиб берувчи жуда кўп китоб ва рисолалар тасниф қилдилар. Натижада минглаб мусулмонларни ёлғон, пуч фикрларга эргашмасдан, ҳидоятда бўлмоқликларига салмоқли ҳисса қўшдилар. Ул зот асос солган калом илми миллий маънавиятимизнинг тумори, чўғи-чироғи, ҳидоят нури, миллий мафкурамизнинг жонбахш илдизи, сарчашмаларидан биридир. Аллома араб тилида «Китоб ат-Тавҳид», «Китоб ул мақолот», «Таъвилоту аҳли сунна» ва яна бир неча китобларни ёзиб, мўмин ва мусулмонларнинг залолатдан қутулиб, ҳидоятда бўлмоқлари учун улуғ иш қилдилар. Бағдодлик улуғ олим «Қодирия» тариқатининг асосчиси Шайх Абдулқодир имом ал-Мотуридийнинг «Таъвилоту аҳли сунна» китобларига шундай таъриф берадилар: «Бу шундай бир улуғ китобдирки, таъвилот фанида ёзилган китобларнинг бирортаси бу китобга баробар кела олмайди, балки бунга яқин ҳам келолмайдилар».

Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратлари кўп улуғ зотларнинг қўлида таълим олдилар, аммо асосий устозлари Абу Бакр Аҳмад ал-Журжоний эди. Бу зот Абу Сулаймон ал-Журжонийдан, Абу Сулаймон эса Имоми Муҳаммаддан, Имоми Муҳаммад Имоми Аъзам Раҳматуллоҳи алайҳдан таълим олган эдилар. Демак, Имоми Мотуридий имоми Аъзамнинг мазкур зотлар воситаси ила том маънодаги шогирдларидирлар.

Мотуридия таълимоти фақат бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки Яқин Шарқ, Шарқий Туркистон, Тунис, Жазоир синғари араб мамлакатларида ҳам кенг тарқалган. Алломанинг китоблари ўнлаб шарқу ғарб тилларига таржима қилинган. Улар хорижда бот-бот, кўп нусхаларда чоп этилади.

Аллома ғоят хушхулқ, хушсуврат, ширинсўз, камтар инсон бўлганлар. Кафтдек ерда деҳқончилик қилиб, тирикчилик ўтказганлар. Юриш-туришда, одоб-ахлоқда шогирдларига ибрат бўлганлар.

Нақл қилишларича, Аббосийлар халифалиги даврида Бағдоддан Самарқандга бир элчи келади. Алломанинг таърифини эшитган элчи у киши билан шахсан учрашмоқчи бўлади. Сўраб-суриштириб, дарвозани тақиллатади. Улуғ ва салобатли бир зотга рўбарў бўлишини ўйлаб, ҳаяжонланиб турганида ичкаридан юпунгина кийинган, озғин бир мўйсафид чиқиб келади.

— Мавлоно қайдалар? — деб сўрайди элчи.

— Мавлоно худодир, — деб жавоб беради қария.

— Хожа қайдалар?

— Хожа мустафодир.

— Хўп, Абу Мансур қайдалар? — тоқати тоқ бўлиб сўрайди элчи.

— Абу Мансур қаршингиздаги тиланчи кимсадир, — хотиржам жавоб беради соҳиби хонадон.

Элчи ҳайратга тушиб, унинг пойига тиз чўкади.

Дини исломга сидқидилдан бутун умри давомида хизмат қилган улуғ зот 944 йилда Самарқандда вафот этади. Уни ислом оламидаги машҳур Чокардиза қабристонига дафн этадилар. Қабристонда, баъзи манбаларга кўра ислом оламининг тўрт мингдан ортиқ алломалари, саййидлари, муфтийлари абадий қўним топишган. Уларнинг ҳар бири диний-дунёвий илмларда якто, довруқли зотлар сифатида шарқу ғарбда эъзоз-эътиборда бўлишган. Муаррих Абулҳаким ас-Самарқандий ўзининг «Қандия» китобида «Чокардизанинг тупроғини подшоҳлар, алломалар кўзларига тўтиё каби суртар эдилар» деб ёзади.

Мамлакатимиз ва халқимиз шаънини улуғлаган буюк ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотуридий маънавиятимизни юксалтиришда, мустақил ва озод Ватанимизни тараққий эттиришда, халқлар ҳамжамиятида ўзимизнинг муносиб ўрнимизни эгаллашимизда бизга сафдош ва елкадошдир. Ҳали қанча авлодларимиз унинг китоблари ва таълимотидан сабоқ оладилар. Унинг мероси бутун инсониятнинг мулкига айланиб қолгани билан ифтихор қиламиз.

Мирза Анвар КАРИМОВ, тарих фанлари номзоди.

Мурувват

ЯНГИ МАРКАЗ

Бизнинг халқимизда меҳр-мурувват, саховат сингари фазилатлар бисёр. Меҳрга, ёрдамга муҳтож кишиларга доимо ғамхўрлик кўрсатиш ҳукуматимиз дикқат-эътиборида.

Шу мақсадда шаҳримиздаги барча туманларда ёрдамга муҳтож, ҳеч кими йўқ, ёлғиз қариялар учун «Меҳр-мурувват» марказлари ташкил қилиб келинмоқда. Ана шундай марказлардан бири Миробод туманида жойлашган 2-оилавий поликлиника қошида ташкил қилинди. Ушбу марказ Миробод туман ҳокимлиги ҳамда туман ижтимоий-таъминот бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилиб, марказга туманда истиқомат қилувчи ёрдамга муҳтож, ёлғиз қариялардан 120 киши рўйхатга олинди. Улар бу ерда бир-бирлари билан қизғин суҳбатлар ўтказадилар, марказдаги мавжуд кутубхонадан фойдаланадилар. Шунингдек, уларга тиббий муолажалар кўрсатилиб, бепул овқат билан таъминланадилар.

Ушбу марказни ташкил қилиш, поликлиникани таъмирлаш, янги жиҳозлар билан таъминлаш учун туман ҳокимлиги ва ҳомийлар томонидан 1,5 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

Дилором ИКРОМОВА.

ИЖОД ЗАВҚИ

Тақдир қуёши кўнгли очиқ бу одамнинг руҳини ижодкорлик нурлари билан сийлади, куюнчак юрагига ижод завқини тўкди, танасига қувват ато этди...

Аниқроқ айтадиган бўлсак, мусаффо кунларига фақат ижод йўли орқали ета олишини чуқур ҳис қилди.

Унинг учун тасвирда юртнинг жозибадор сарҳадларини, булутли, қуёшли кунларини, бири-биридан гўзал шаршараларини, олтин камардек товланган дарёларини, мафтун кўзларни акс эттириш жарақ-жарақ пулдан кўра, завқли ва тотли эди. Шу боис ҳам, у худо берган ризққа, нон-тузга шукр деди.

У режиссёрлик оламига дадил кириб келди. Бир гуруҳ ижодкорлар ҳамкорлигида рус ёзувчиси А. П. Чеховнинг «Олтинчи палата» ҳикояси асосида телеспектакль яратиб, экранга олиб чиққанида, шундай катта ижодий ишга ёш йигитнинг куч-қуввати етармикин, дея ҳадиксирашган мутахассислар ҳам унинг бу ташаббусидан самимий қониқиш ҳосил қилишди.

Ўша пайтда телеижодкор М. Асадуллаев бу тўғрида шундай деб ёзганди:

«Телеспектаклнинг саҳналаштирувчи-режиссёри Наби Раззоқов Ўзбекистон телевидениесининг ёш режиссёрларидан бўлса-да, мазкур постановкасида XIX аср рус ҳаётини, миллий калоритини очиб берган.

Дарвоқе, Наби Раззоқов мазкур асар орқали фалсафий мушоҳадаларни илгари суради: ёзувчи яратган характерлар чизиғидан бориб, унинг эстетик тамойилларига зид келмаган ҳолда зўравонлик, мансабпарастлик ва хиёнат ҳукмрон бўлган ҳаётда инсон ҳуқуқининг топталиши, унинг инқирозга учраши — катта фожиаларга сабаб бўлади, деган хулосага замин яратади. Зотан, ана шу масалалар режиссёрни бундай катта ва кенг маъноли асарга мурожаат этишга мажбур этган».

Иккинчи жиҳати Ғани Аъзамов, Маҳсум Юсупов, Рўзи Ҳакимов, Набижон Собиржонов, Садир Зиёвутдинов, Ҳожиакбар Нурматов, Пўлат Носиров, Қудрат Хўжаев каби саҳна усталари билан ишлаш, улар билан теппа-тенг ижодий ҳамкорлик қилиш осон эмасди.

Шукур Холмирзаевнинг «Бу қадимда бўлган эди» видеофильмини экранга олиб чиққанда унинг ҳаяжони, эҳтироси тафтидан дўстлари, ҳамфикр оғайнилари ҳам беҳад баҳра олдилар. Ўзингиз айтинг, яратганнинг бир мўъжизаси учун бундан ортиқ бахт борми?

Бугун дўстлари уни «Ўзимизнинг Наби Раззоқ» дея эъзозлашади. Қайси бири бўлмасин «Ўзбектелефильм»даги ишчан Наби Раззоқ билан бирга ҳамфикр ижодкор бўлишга жон-жон деб розилик билдиришади.

Уч нафар фарзанднинг отаси бўлган бу одам болалар каби кула олади, гоҳида ёмонлардан аччиқланиб, узоқлашиб ҳам кета олади.

Ўз касбининг заҳматкашлари

Ўтган йили «Али Қушчи» телефильмини яратди. Олимлар билан суҳбатлашди, изланди, югурди-елди. «Фильмимда янгилик бўлмаса, қизиғи йўқ», деди ўзича. Автобиографик фильм тез кўнгилга тегади. У буни тушуна билди. Али Қушчининг жаҳон фанига қўшган хизматлари ҳақида алоҳида тўхталди. Унинг Улуғбек фожиали ўлимидан сўнг Дарҳон Туронни тарк этмаганлигини ҳам айтди. Яна бир жиҳати, ўз ҳисобидан бўлсада, ўзининг камерасини елкасига қўндириб, Эрон, Туркиягача бориб келди. Ўн беш дақиқали фильм учун шунча фидойилик кўрсатди. Шундай экан, унинг фидойилиги ҳақида гапирмаслик мумкинми? Шундай одам ҳақида икки оғиз ширин сўз айтмаслик мумкинми?

Юрт ҳақида фикрини билиш учун мен уни саволга тутаман:

— Америка, Индонезия, Япония каби мамлакатларда бўлдингиз, юртимиздан ўтадигани борми?

Содда саволимдан у кулади.

— Жавобини ўзингиз айтиб турибсиз-у, — дейди у зукко оҳангда.

Бу сафар илмоқли саволни кўндаланг қўяман:

— Мендан тўрт-беш кўйлакни кўп йиртгансиз. Тириклик нима экан аслида?

— Ҳалол топиб, болачақамнинг роҳатини кўрсам. Қизимни ўқитиб, турмушга узатсам. Ўғлим Азизжон ўрнимни босса.

Эзгуликларга ўралган орзу-кўнгилнинг олмос қирралари, тирикликнинг келажак завқи, бир-биридан ширин туйғулар. Бу туйғулар уни янги-янги орзулар чўққиси томон етаклайди. Ўзи айтмоқчи, ўзбек киносининг содда, тўпори, аммо бағри кенг, олижаноб халқимизнинг қалбига хос миллий кинолар яратиб, ўзини ҳам, ўзгаларни завқлантира олса, ниятига етган, армонлари ушалиб, кўнгли хотиржам топарди. Давр келди. Имкониятлар бор. Халқимиз эса бундай меҳнаткаш ижодкорлардан кўплаб ажойиб фильмлар кутиб қолади.

Тўлқин ҲАЙИТ.

Ҳамкорлик

ЎЗАРО КЕЛИШУВ АСОСИДА

Мамлакатимизда телекоммуникация тармоқларини қайта техник жиҳозлаш ҳамда такомиллаштириш йўлида кўрилаётган тадбирлар техникавий номукаммалликни бартараф этишда муҳим омил бўлмоқда. Бу долзарб масалани ижобий ҳал этишда чет эллик мутахассислар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Японияниng «Иточу» компаниясининг бу борадаги фаолияти, айниқса самарали бўлаётганини айтиб ўтиш жоиздир. Ўтган йили Япония компанияси Тошкент телеминорасининг радио-телевизион узатиш мажмуасини қайта жиҳозлаш ва такомиллаштиришга қаратилган лойиҳа бўйича жиҳозлар етказиб беришга бағишлаб ўтказилган халқаро танловда қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди.

— Шу муносабат билан шартнома тузилди, — дейди республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмасининг етакчи муҳандиси Умар Султонбоев. — Ана шу ўзаро келишув бўйича «Иточу» компанияси уч ярим миллион Америка доллари миқдорида зарур жиҳозлар етказиб берадиган бўлди. Айни вақтда бу жиҳозларнинг кафолат муддати ҳам қатъий қилиб белгиланди. Ғолиб деб топилган лойиҳа бўйича телеминорадаги олтита телевизион ва тўртта радиоузаткичлари алмаштирилади. Бу йил кўзда тутилган бу жараёнларнинг кўпчилиги тўла амалга ошади.

Ўзбек ва япон мутахассислари ҳамкорлигида амалга оширилган монтаж ва фойдаланишга топшириш ишлари яхши баҳоланди. Навбатдаги монтаж ишлари учун зарур бўлган техник жиҳозлар ҳам пешма-пеш олиб келинмоқдаки, булар иш жараёнларини ўз вақтида адо этиш имконини бермоқда. Лойиҳага кўра Тошкент телеминорасини қайта техник жиҳозлаш ишлари келгуси йилда тугалланиши даркор. Шунингдек, қатор қўшимча техник тадбирлар амалга оширилади.

«Иточу» компанияси вакиллари делегациясининг яқинда мамлакатимизга қилган ташрифи самарали бўлди. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида бўлган мулоқотлар чоғида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, республикамиз телекоммуникация тизимини қайта жиҳозлаш бўйича ўтказиладиган навбатдаги халқаро танловда ҳам компания фаол иштирок этажаги маълум қилинди.

Аҳмад ВАЛИЕВ.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«СОЯБОНСИЗ БЕКАТЛАР»

Газетанинг шу йил 20 сентябрь сонида «Соябонсиз бекатлар» мақоласи чоп этилиб, унда Юнусобод йўл кўприги олдидан 10-мавзега кетаверишдаги автобус, трамвай бекатларида йўловчилар учун ҳеч қандай шарт-шароитлар йўқлиги танқид қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчиси С. Иброҳимов имзоси билан қуйидаги жавобни олдик.

«Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси 2000 йил 20 сентябрда «Тошкент оқшоми» газетасида чоп этилган «Соябонсиз бекатлар» сарлавҳали танқидий мақола билан танишиб чиқиб, Юнусобод туман ободонлаштириш бошқармасига бекатларни тартибга келтириб қўйиш бўйича кўрсатма берди. Унга кўра бекатлардаги камчиликлар бартараф этилди».

«ЧЕКМАДИ НАҚШИ ВАФО...»

Бир ғазал шарҳи

Навоийни ўрганамиз

560

«Мажолис ун-нафоис»нинг Ҳусайн Бойқаро девони таҳлилига бағишланган саккизинчи мажлиси сўнгида «Хилват» деб номланган икки нақл (ҳикоят)дан иборат илова бор. Аввалгисининг мазмуни шундай: «Кунларнинг бирида баҳор айёмида, ёмғир қуяётган бир пайтда Навоий Мавлоно Лутфий билан учрашиб қолади. Лутфий ёмғир торларига ишора қилиб, бу ҳақда Хусрав Деҳлавийнинг ҳинд тилида ёзилган бир ғазалида ғоят ноёб маъно баён этганини ёдга олади: эмиш, маҳбуба қаён эса кетаётганда шиддатли ёмғир ёға кетибди, унинг оёғи лойга тойиб йиқила ёзибди. Лекин ниҳоятда нозик бўлганидан ёғин торини ушлаб, унинг мадади билан ўзини ўнглаб олибди.

Навоийга бу маъно жуда маъқул тушиб, хушвақт бўлиб, барча шеърият ихлосмандларига айтади. Улар ҳам Хусравга таҳсинлар ўқийдилар. Ниҳоят, Навоий Ҳусайн Бойқарога ҳам бу маънони етказади. Аммо шоҳдан «кўп илтифот воқеъ бўлмади» —деб ёзади Навоий. Кейин эшитадики, бу маъно юзасидан Ҳусайн Бойқарода эътироз пайдо бўлибди. Олий мажлисда Навоий яна шу ҳақда сўз очади. Ҳусайн Бойқаро дейдики: «Ул эътироз будурким, ёғин қатраси юқоридан қуйи ниб (оқиб) келади... Риштае (қатра) ким, майли қуйи бўлғай, анинг мадади била йиқиладурғон ўзин асрамоғи маҳолдир».

Навоий ва барча бу маънодан хушҳол бўлганлар ўз қусурларини тушунадилар. Шунда Ҳусайн Бойқаро қуйидаги байтни ёддан ўқийди ва бу байтда эътирозга ўрин йўқ, деган фикрни билдиради:

Заъфдин кулбамда кўпмоқ истасам
айлар мадад,
Анкабуте ришта осқон бўлса ҳар деворда.

Бу байт Навоийнинг илк девонидаги бир ғазал таркибида мавжуд. Демак, уни шоир 25 ёшига қадар ёзган. Кейинчалик ғазал «Бадоеъ ул васат»га (542-чи) киритилган.

Мазкур ҳикоятдан шундай хулосаларга келиш мумкин:

— Лутфий билан Навоий учрашган, шеърият ҳақида суҳбатлашганлар;

— Ҳусайн Бойқаро шеъриятнинг ғоявийлиги ва бадиияти юксаклиги билан бирга унинг мантиқий жиҳатдан асосли эканлигига ҳам эътибор қилган шеършунос бўлган;

— Навоий шеъриятини Ҳусайн Бойқаро яхши ва ёддан ҳам билган;

— Ҳусайн Бойқаро ҳузурида Олий мажлис деб аталган адабий-илмий анжуманлар мунтазам ўтказилиб турган ва унда етук асарлар, ноёб маънолар муҳокама қилинган;

Қуйида мазкур байтли ғазални кўриб чиқамиз:

Ғунча гул ичра гаҳе пайдо бўлур гулзорда,
Бўлмади ҳаргиз аён оғзинг сенинг рухсорда.

Гулзорда гуллар ичида баъзан ғунча ҳам кўриниб қолади. Лекин сенинг юзинг (гулзорида) ғунчадек гўзал ва кичкина оғзинг ҳеч вақт кўзга кўринмайди. Шоир маъшуқа юзини гулзорга, оғзини ғунчага ўхшатади.

Заъфдин кулбамда кўпмоқ истасам
айлар мадад,
Анкабуте ришта осқон бўлса ҳар деворда.

— заъф — кучсизлик, ҳолсизлик, заифлик

— кўпмоқ — ўриндан турмоқ

— анкабут — ўргимчак

— ришта — тор, ип.

Ишқ дарди шундай заиф қилиб ташлаганки, ўргимчакнинг кулба деворидан деворига тортган торларига тирмашибгина, ўрнимдан тура оламан.

Ким жунунимға ёзар таъвиз ийнак ашку юз,
Гар керак шингарф бирла заъфарон туморда.

— жунун — телбалик

— таъвиз — тумор

— ийнак — демак, энди, мана

— шингарф — қизил бўёқ, қизил сиёҳ

— заъфарон — сариғ ранг.

Кимки телбалигимни дафъ этмоқ учун тумор ёзмоқчи бўлса, туморга керакли сариғ (қоғоз) ва қизил сиёҳ мана менинг юзим ва кўз ёшларимдир.

Сайли ашкимдин демаким мулк эмас
мардумнишин,
Балки мардум қолмади бу дийдаи хунборда.

— сайл — сел

— мардум — одам, инсон, кўз қорачиғи

— мардумнишин — одам яшайдиган

—дийда — кўз

— хунбор — қонли ёш тўкувчи, қон йиғловчи.

Селдек кўз ёшларим туфайли, бу ер одам яшагудек бўлмади демагил, ҳатто бу қонли ёш тўкувчи кўзларимда унинг қорачиғи ҳам қолмади. Бу байтда шоир сел олган жойда одам яшамайди деган маънони кучайтириб, қонли ёш тўкувчи кўзда унинг қорачиғи ҳам қолмайди, дейди.

Дайр тупроғида бутмиш сабза дер кўрган киши,
Занглик юз нўғи пайкон бу тани нокорда.

— дайр — дунё, олам, бутхона, майхона

— занг — чанг, қора

— нўғ — бирор нарсанинг учи (найза, ўқ, киприк ва ҳ.к)

— пайкон — камон ўқининг учи, ўқ учидаги темир бошоқ

— нокор — яроқсиз, ўтмас.

Бу мажолсиз танимда (қалашиб кетган) юзлаб ўқлари учини кўрганлар олам туфроғида сабзалар унибди, деб ўйлайди.

Синса ибриқи вузуъ, андин манга бас бир сафол?
Май гадолиқ айламакка кулбаи хамморда.

— ибриқ — бўйни узун кўза

— вузуъ — таҳорат одоби

— хаммор — майфуруш

Таҳорат кўзаси синиб қолгудек бўлса майфуруш кулбасида май тилаб олиш учун менга унинг бир (парча) сафоли ҳам етарли.

Чарх айвони мунаққашдур, вале наққоши сунъ,
Чекмади нақши вафо бу токи мийнокорда.

— чарх — фалак

мунаққаш — нақшланган

— сунъ — ясаш, чизиш эҳсон, дунёни яратувчи, деган маънода ҳам келади.

— мийнокор — шиша билан ишланган, зангори рангда нақшланган.

Фалакнинг айвони нақшланган, лекин наққош-яратувчи (илоҳ) бу (айвоннинг) зангори тоқига вафо нақшини чекмаган.

Эй Навоий, ер юзин ағёр тутса ғам ема,
Бир сари мў гар сенинг фикринг бор эрса ёрда.

— сари — мў — қилча, бир қилчалик

Эй Навоий, ер юзи ағёрларга тўлиб кетса ҳам сен ғам емагил. Агар ёрнинг ёдида бор эсанг бошқа ҳамма нарсанинг аҳамияти қилчадир.

Навоий ғазалда маҳбуба чиройи унга бўлган муҳаббати туфайли ошиқнинг дардчил ҳолати, мажнунлиги, бу азобларни енгиллатиш чоралари, уларнинг амалга ошиш имкони йўқлиги, вафо бу оламда мавжуд эмаслиги ҳақида ёзади. Лекин тасалли бор. У ҳам бўлса, ёри унинг муҳаббатини, меҳрини билади, у ёр ёдида бўлса, шунинг ўзи кифоя.

Суйима ҒАНИЕВА.

Қиз хаёллари.



Китоб мулоҳазага чорлайди.

Равиль Альбеков олган суратлар.

Бека

ГИЛАМЛАРНИ САҚЛАШ

Даҳлизларда, эшик тагларида тўшалган гиламлар кўп босилади, ишқаланади, шунинг учун ҳам уларнинг кўп босиладиган жойларига махсус матодан тайёрланган тўшама ташлаган маъқул. Гиламларни тозалашда қаттиқ чўтка ишлатмаслик керак, гиламни патига тескари томондан супуриш, тозалаш ҳам тавсия этилмайди. Чанг қоқиш учун махсус чангқоққичдан, юмшоқ супургидан фойдаланилади. Гиламни қийим қуритадиган дорга ташлаб ёки осиб қўйиб қоқиш мутлақо мумкин эмас. Гилами патли томонини ерга қаратиб тўшаб қишда қор устида секин қоқиб тозалаган яхши.

Жундан тўқилган гиламни куя ва гилам қўнғизи ейди (лекин яшил гиламлар бундан мустасно, яшил рангдан бундай ҳашаротлар қочади). Жун гиламларни шамоллатиб, чангтўзондан тозалаб, офтобда қуритиб туриш лозим. Жун гиламларни ёз пайтида тозалаб, қуритиб ўрам тарзида ўраб қўйган яхши, бунда нафталин сепиш керак ёки қуритилган ялпизларни халтачаларга солиб, гиламнинг қатларига қўйиб гиламни текис сиқиб ўраш ва устидан газета ўраб, полиэтилен қопга солинади. Қотган кир ва доғлар кимёвий тозалаш усулида тозаланади, гиламни тозалашдан олдин оқ латта билан артиб кўриб, ранги айнимаслигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Дилдора СОДИҚОВА.

2000 — Соғлом авлод йили

БОЛА БОШИДАН

Боладаги жуда ёшлигидан таркиб топаётган нарса ва воқеаларга бўлган қизиқиш, муносабат, интилиш, унинг ақлий фаолиятининг тараққий этишидан далолат беради. Ота-она бу боладаги ҳисларни шакллантириб, тарбиялаб бориши, қизиққан нарсалари ҳақида саволларига эринмай сўзлаб бериши, уни ҳам саволлар бериб, тушунчаларни аниқлашига имкон беришлари лозим. Одат нима, малака-чи? Болада авваллари кўникма, ўқув, малакалар ҳосил бўлади. Масалан, эрталаб жисмоний тарбия қилиш, ювиниш, нонушта учун нон, қиём, пиёла,-қошиқ, сочиқ ва бошқа нарсаларни қўйиш, (оила аъзолари сонига қараб) нонуштага келиб ўтирганларга одоб билан салом бериш ёки оила аъзоларининг пойабзалларини тартиб билан териб қўйиш каби. Бола бу ишларни ҳар куни бажарса у одат тусига киради. Одатга айланадиган малакалар болада бурч ҳиссининг таркиб топишига ёрдам беради. Худди шу даврдан бошлаб боланинг ёши, жисмоний кучига лойиқ меҳнат малакаларини бажаришга ҳам ундаш, унинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний томондан ривожланишига ёрдам беради.

Бола улғайган сари унинг олдига қўйиладиган талаблар ҳам секин-аста мураккаблаштирилиши ва хилма-хил бўлиши зарур. Болада ҳар бир ишга маълум кўникмалар ҳосил қилингач, яна янгиянги иш турлари, топшириқлар бериб рағбатлантирилиши ишни тез ва сифатли бажаришга ўргатади. Ота-она, тарбиячи кейинчалик ўқитувчининг бола билан тезлик ўқитувчининг бола билан тез, тез мулоқотда бўлиб савол-жавоб, суҳбатлар ўтказиб туриши, бола фаолиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Бола мактабга боргунга қадар ҳар бир ишни ўз ташаббуси билан мустақил бажара олиш укувини пайдо қилиш зарур, чунки бола фаолиятида ўз-ўзига хизмат қилишдек зарур малакани эгаллашга мактабга боргач, ундаги қайноқ ҳаёт, жамоага киришиш, улар билан муносабат қила билиши, ўқиш, ёзишдек мураккаб ақлий фаолиятни эгаллашга тезда кўника олмайди. Мактабда бериладиган турли топшириқлар унга оғирлик қилади. У чарчайди, бора-бора мактабдан безиш ҳолатини учратиш мумкин.

Болада қатъийлик, ирода сифатларини таркиб топтириш лозим. Чунки бола мактабга келгач, унинг олдига ҳали у кўникмаган янги талаблар қўйилади. Бу талабларни амалга оширишда албатта боланинг ақлий фаолияти, зеҳнининг ўткирлиги муҳим аҳамият касб этади. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки оилада болаларимизнинг мактабга тайёргарлиги турличадир. Баъзилар фаол, баъзилар ўта лоқайд, яна бирови камгап, уятчан.

Бу ҳол мактабда ўқувчилар ишида кўп қийинчиликлар туғдиради. Бундай қийинчиликни бартараф қилишда ҳар бир ота-онанинг ёрдами керак.

Болада одат, малакаларнинг ривож топишида нималарга эътибор бериш лозим? Боланинг мактабга боргунга қадар ақлий фаолиятини ривожлантириш, фикрлашга ўргатиш, луғат бойлигини янги сўзлар билан бойитиб, нутқини ўстириш, дастлабки саноққа ўргатиш керак. Бу малакалар болаларга осонликча сингмайди. Уни сабр-тоқатли бўлишга, ишни қандай бошлаш, сифатли бажариш, якунлашни кўрсатиш болада маълум кўникма ҳосил бўлгунча унга кўмаклашиш лозим. Айрим ота-оналар болам нимжон, ҳали ёш деб унга иш ўргатиш у ёқда турсин боланинг ўз ташаббуси билан қилаётган ишини ҳам таъқиб этадилар. Болаларда таркиб топаётган меҳнатга ҳавас, иштиёқни сўндириб қўядилар.

Масалан, Тўлқиннинг қоғоз қийиб, чўп ва симлар билан турли нарсалар ясаши бувисига ҳеч ёқмайди.

— Кўясанми, йўқми бу нарсаларни, ҳаммаёқни ифлос қилишдан бўлак ишинг йўқми? Китобингни ўқисанг-чи деб жеркийди. Бувисидан яна танбеҳ эшитишдан кўрқиб бола ишни ноилож чала ташлаб кетади. Нарсаларини беркитиб қўяди.

Эртаси куни ўқитувчи ясаган нарсасини сўрайди.

— Йўқ, — дейди бола «пиқ-пиқ» йиғлаб.

Ҳамма болалар ўзлари ясаган нарсаларини мамнуният билан кўрсатадилар, Тўлқинчи...

Боладаги хоҳиш, интилишни сўндириш тарбияда катта хато. Уни қайта бир ишга жалб қилиш яна мушкул. Бора-бора у ҳамма нарсага бефарқ бўлиб қолади.

Баъзи ота-оналар, ўқитувчи ва тарбиячилар кўп ҳолларда ,болаларнинг дангасалигидан шикоят қиладилар. Ҳар бир инсон онадан дангаса бўлиб туғилмайди, балки у ўсган муҳит: ота-она ёки тарбиячилар боланинг эпчил, меҳнатсевар, ғайратли ё бўлмаса ялқов бўлиб ўсишига сабабчи бўладилар. Дангасалик ҳатто одат тусига айланиб қолади. Болага шундай муносабатда бўлиш керакки, бола буюрилаётган ишларни жон-дили билан бажарсин.

Катталар болаларнинг ёши, кучи, ақли ва қобилиятига яраша ишларнигина яхши бажара олиши мумкин эканини унутмасликлари зарур. Аксинча, боланинг уринишлари зое кетади. Масалан, Рустамнинг неча кун овора бўлиб ясаган ракетаси, елкани сувга қўнса чўкиб кетади. Дилбарнинг кўғирчоққа тиккан кўйлаги сиғмади, зўр ҳавас билан чизган уйча расми ўхшамайди. Бола бу пайтларда меҳнатининг самарасиз бўлганидан руҳи тушади. Ҳеч кимга кўрсатмасликка ҳаракат қилади.Ясаган, чизган нарсаларини йиртиб, бузиб ташлашга ёки атрофдагилардан беркитишга уринади. Гоҳо йиғлайди ҳам. Буни сезган катталар боланинг озгина бўлса ҳам муваффақиятини қайд этиб, кўнглини кўтариши,зинҳор камситмасликлари керак. Шундай қилинганда бола катталарни ўзига яқин тутади. Билмаганларини сўрайди. Кўрсатиб беришларини илтимос қилади. Боланинг ақлий фаолиятини ўстирувчи, ижодий қобилиятини ривожлантирувчи ўткир зеҳн эгаси қилиб тарбиялайдиган воситалардан унумли фойдаланиш тарбияда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек халқи қадим-қадимдан болалар тарбиясига алоҳида эътибор қилиб, токи улар барча инсоний фазилатларни эгаллашига эришиб келганлар. Ҳеч қандай бола ота-онасига, катталарга тик қараб гапирмас эдилар. Чақирганларида «ҳа» демай, балки «лаббай» деб жавоб берганлар. Ёки иш буюрганда «хўп бўлади», — деб бажонидил қабул қилишар эди. Биз ёшлик йилларимизда ана шу руҳда тарбияланган эдик. Ҳозирги кунда айниқса турли миллат болалари бир мактабда таҳсил кўраётган болаларнинг тартиб-интизоми жуда ёмон. Бу болалар на салом беришни, катта-кичикка йўл беришни билади. Ёмон таъсирлар болаларимизни ахлоқий тубанликка бошламоқда. Одат тусига кирган безорилик, жаҳолат кенг оммалашиб бормоқда. Биз катталар фақат томошабин бўлиб қолаётганимиз ёмон, кечириб бўлмас ҳол. Агар чеккачеккадан уларга таъсир этсак, танбеҳ берсак, бирлашсак, шояд болаларда одатга айланаётган салбий оқибатлар йўқолса, яна ўша мусулмончилик, халқ педагогикасидаги яхши фазилатлар тикланса. Қўшнинг тинч, сен тинчсан. Атрофдагиларнинг тинчлиги бизнинг тинчлигимиз.

Меҳр-оқибат ҳиссини болаларда эрта шакллантириш ва бу сифатларни одатга айлантиришга эришишимиз шартдир.

Маънавий юксакликка интилиш ҳисларини пайдо қилиш, тубанликка муккасидан қулаб кетаётган айрим ёшларни балоғат ёшида орқага қайтариб, мудҳиш манзаралар содир бўлишининг олдини олиш лозимдир.

Ичкиликка ружу қўйган йигит, ҳатто минг афсуслар бўлсинки айрим қизларнинг ҳам ўтиришларда, тўй-ҳашамларда уялмай-нетмай нима қуйиб берилса, келин-куёв соғлиғига, — деб «луқ», «луқ» ютиб, ҳиринглаб кулиб ўтиришларини кўрмаганмиз деб айта олмаймиз. Кўрамиз, нафратланамиз, тартибга ҳам чақирамиз. Лекин уларнинг ота-оналари қаерга қарамоқдалар? Чекишни одат қилган ёшларни билмаймизми? Маъ этиб кўринг-чи...

Вужудинг титрайди, бардош бериш қийин ҳолларнинг содир бўлаётганига сабаб, ота-оналарнинг бепарволиги, болаларни тайёрҳўр қилиб вояга етказганларига хайронмиз. Индамай туриш ҳам мумкин эмас.

Маънавий тарбия, ёшларни келажак сари одимлашда бош мезон бўлмоғи зарур. Кўпнинг таъсири кучлидир. Маҳалла жамоаси, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар бундай ҳолатларнинг олдини олишда ҳамкор, ҳамнафас бўлишларини истар эдик.

Кумри АБДУЛЛАЕВА, педагогика фанлари доктори, профессор.

ШАРҚ ДУРДОНАЛАРИ

ЎЗ-ЎЗ ЎЗГАНИЙ ДОНО БЎЛУР...

РИЗҚ ТИЛАГАН ДЎСТ

Бойлик — яхши нарса. Аммо уни қўлга киргизиш қийин. Шунинг учун ҳам, эртакларда бойлик аждаҳо остида ётгани тасвирланади. Бойлик бор жойда аждаҳо бўлади. Аммо Тангри баъзи одамларнинг ризқини улуғ қилади, ҳалолдан улуғ ризқ беради. Бунга Қуръони Карим ояти далилким, айтилади: «Инналлоҳа йарзуқу ман йашау биғайри ҳисоб», яъни «Аллоҳ хоҳлаган бандасига ризқини беҳисоб берур».

Бир куни бойлик ва ризқ тилаётган дўстимга қараб:

— Биродар, ризққа қўшиб, соғлиқ тилагин, саломат бўлсанг, ҳамма нарсанг бўлади, — дедим.

Дўстим:

— Аксинча, бой бўлсанг, ҳамма нарсанг бўлади, ҳатто соғлиғинг ҳам жойида бўлади, — деди.

Орадан кўп йиллар ўтиб, дўстимни учратиб қолдим. Бойу бадавлат яшар эди. Аммо оёғи ишдан чиқиб, тўшакка михланиб қолганди.

У менга қараб:

— Айтган сўзларинг ёдимда, одам борига қаноат қилиб, саломатлигини ўйлаши керак экан. Саломатлик бу — туман бойлик экан, — деди.

Бадан иллатидан, Худойим, асра,
Сиҳҳат қиллатидан,* Худойим, асра.
Тўшакка михланиб қолмоқ дарди-ю,
Хорлик зиллатидан,** Худойим, асра.

ЖАННАТ ОНАЛАРНИНГ...

Улар оилада икки ўғил, икки қиз эди. Ота-она уларни уйлик-жойлик қилди. Ота оламдан ўтди, она қолди. Онаизор гоҳ ўғилникида, гоҳ қизлариникида яшай бошлади. Охири иллатга чалинди. Ўғилу қизлар ўзаро келишиб, онасини қариялар уйига топширишди.

Кунлардан бир куни Абдураҳим бобо икки ўғилни учратиб қолди. Насиҳат қилиб деди:

— Ўғилларим, ўзларингга тўқ, бекаму кўстсизлар. Онани қариялар уйига юборибсизлар, бу қандай гап? Ахир китобларда, она рози — Худо рози, дейилган-ку! Ҳадиси шарифда, жаннат оналарнинг оёғи остида, дейилади...

Бобо сўзларини тугатолмади. Ўғиллар:

— Биз ҳаммамиз ишдамиз, уларга ким қарайди? — дейишди ва жўнаб қолишди.

Орадан кўп ўтмай она оламдан ўтди. Қизи онани машинага жойлаб акасиникига юборди. Акаси укасиникига жўнатди. Укаси бошқа синглисиникига юборди. Охири кичик сингил онани дафн этди.

Худойим наслимдан хорлик етмасин,
Маҳбуби васлимдан хорлик етмасин.
Сиҳҳат давлатидан жудо бўлганда,
Фарзанди аслимдан хорлик етмасин.

СИҲҲАТ ВА ДАВЛАТ

Ҳурматли қиблагоҳим Маҳдум Восилийдан кўп эшитган эдим. Улар бизга қарата дердилар:

— Аллоҳдан сиҳҳат ва давлат сўрамоқ лозим. Сиҳҳати бор одам давлатга ҳам эга бўлса, бу улуғ киши. Аммо сиҳҳати бўлсаю давлати бўлмаса, бу ҳам кўркинчли эмас. Сиҳҳати бор одам меҳнат қила олади, ризқига ярашасини топади. Аммо, давлати бўлсаю сиҳҳати бўлмаса, бу оғир дарддир. Аллоҳ таъоло Қуръони Каримда: «Лаин шаккартум лаазиданнакум», яъни неъматга шукр қилиш шу неъмат йўқ бўлишининг олдини олади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаётда бу ҳолатни кўп кўрдик: сиҳҳати бор одам, сабр билан шукр қилиб, хотиржам яшади. Давлати бор одам сиҳҳатини йўқотиб, катта пул сарфлади, бироқ уни тополмади.

Аллоҳ, суврат берсанг, сийрат ҳам бергил,
Аллоҳ, қувват берсанг, ғайрат ҳам бергил.
Аллоҳ, сиҳҳат берсанг, давлатни ҳам бер,
Аллоҳ, давлат берсанг, сиҳҳат ҳам бергил.

УМРНИНГ УЗОҚЛИГИ

Аъзамхон табибнинг юзга кирган онаси бор эди. Табибнинг дунёда дарду ғами фақат онаси эди. Қаерда бўлмасин, онаси ҳақида ўйлар ва онаси ҳақида гапирарди:

Онажон, кўнглимда меҳру моҳ ўзинг,
Фарзандга бегараз хайриҳоҳ ўзинг.
Одамга молу мулк бу шоҳлик эмас,
Ҳар ким фикр қилса асли шоҳ ўзинг.

Бир кун табибдан:

— Ёшингиз етмиш олтига етибди, аммо ҳамон йигит кабисиз, шунча ёшда соғлом бўлишингиз, умрингизни эса дўстларингизга нисбатан узоқ бўлишининг сири нимада? — деб сўрадим.

— Онамни ҳурмат қилишим ва эъзозлашимда, — деб жавоб берди табиб.

Ҳадисда кўриб қолдим, унда шундай дейилган эди: «Кимки ота-онасига яхшилик қилса, унга шодликлар бўлсинки, Аллоҳ унинг умрини зиёда қилгай».

Онани шод қилган сиҳҳатга етар,
Уни ношод қилган иллатга етар.
Онани рози қил жаннат қидирсанг,
Кимки рози қилса, жаннатга етар.

САРВИҚАД БЎЛМОҚ

Донолар, соғлом танда — соғлом ақл, дейдилар. Тани соғ одамнинг, демак ақли соғ бўлади. Таннинг соғлом бўлмоғи учун эса жисмоний меҳнат ва ҳаракат лозим.

Агар танда фикринг соғлом эмасдир,
Демак, билки, танинг соғлом эмасдир.
Соғ «лом»ни* қидирсанг, соғлом эмассан,
«Лом»га боқ жаҳонда соғлом эмасдир.

Али Сафийнинг «Рашаҳот» китобида ёзилишича, Хожа Баҳоуддин Нақшбандининг тўртта халифаси бўлиб, улардан бири Алоуддин Ғиждувоний эди. У жуда кексайиб қолган чоғида Хожа Аҳрор Валийнинг ҳузурига келади. Қарияда юрак иллатли бўлиб, юрагининг гурс-гурс уриб туриши ташқаридан қараганда ҳам сезилиб турар экан. Ёши юзга бориб қолган бу шайхга Хожа Аҳрор Валий жисмоний меҳнат билан шуғулланишни буюради.

Ҳаётинг йўлига иллат садд** бўлур,
Иллатли гўёки ҳарфи мадд бўлур.***
Алифдан* ибрат ол, алифдек киши,***
Иллатдан озоду сарвиқад бўлур.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ.

* Бу ерда арабча «лом» ҳарфига ишора қилинмоқда, «лом» ҳарфининг шакли эгиклиги соғлом эмаслигига далил бўлади.

** Садд — тўсиқ.

*** Ҳарфи мадд — арабчада алиф устига қўйиладиган ётиқ ҳолдаги белги.

**** Алиф — араб алифбосидаги тўғри чизиқли ҳарф.



Ёш таэквандочилар. Сергей Любчич олган сурат.

Спорт

ЯШИЛ МАЙДОНДА ОИЛАВИЙ БЕЛЛАШУВЛАР

Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш маданий жиҳатдан мазмунли хордиқ чиқариш, соғлом ҳаёт кечириши ва спорт билан мунтазам шуғулланиши, спортнинг оммавийлашиб бориши учун эътибор каратиш касаба уюшмалари фаолиятида устувор йўналишлардан биридир. Спорт эзгулик элчиси, моҳир тарбиячи, саломатлик гарови сифатида кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Енгил, мебель саноати ҳамда коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма Тошкент шаҳар қўмитаси томонидан «Тўқимачи» стадионида «Соғлом авлод» Давлат дастурига мувофиқ «Отам, онам ва мен» оилавий спартакиадаси ўтказилди. Тармоқ ходимлари касаба уюшма шаҳар қўмитасининг раиси О.Ш.Сафоев спартакиадани тантанали равишда очди ва тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг раиси М.В. Одилова барча иштирокчиларни табриклаб, қизғин спорт мусобақасида омад каби эзгу тилакларини билдирди.

Спартакиадада 15 та оилавий жамоа қатнашди.

Эстафетали югуриш, турган жойидан узунликка сакраш, ядро улоқтириш, теннис коптогини отиш, баскетбол тўпини саватга тушириш бўйича иштирокчилар ишқибозларнинг олқишлари остида оила шаъни, меҳнат жамоасининг обрўэътибори учун астойдил беллашдилар.

Қизғин баҳсларга, ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлган, ҳеч кимни бефарқ қолдирмаган, барчага бир олам шодлик бахшида этиб, дўстона руҳда ўтган мусобақаларда ғолиблар ва совриндорлар аниқланди.

Коммунал эксплуатация соҳасида хизмат қилаётган Чапенколарнинг оилавий жамоаси зўр кўтаринкилик руҳида қатнашиб, эгчил, кучли, моҳир эканлигини намойиш этиб ғалаба қозонди ва мухлисларнинг олқишларига сазовор бўлди.

«Йўлқурилиштаъмирлаш» тресги хизматчиси М. Алиевнинг оилавий командаси фахрли иккинчи ва «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти ишчиси Д. Ҳасановнинг оилавий жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар ва совриндорларга тармоқ ходимлари касаба уюшма шаҳар қўмитасининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Муҳими, ғолиб бўлиш билан бирга фаол қатнашиш, соғлиқни мустаҳкамлаш ва дўстлар орттириш, соғлом турмуш тарзини ўтказиш десак, муболаға бўлмас. Зеро, доно халқимиз «Соғлом танда-соғлом фикр» деб бежиз айтмаган.

— Мазкур мусобақаларни ўтказишдан мақсадимиз — меҳнат аҳли ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш билан бирга касаба уюшма қўмиталарининг раисларига спорт мусобақаларини корхоналарда қандай ўтказиш лозимлигини ўргатувчи методик ёрдам бериш ҳам бўлиб, бунинг учун касабақўмларига махсус спорт базаси ва катта маблағ талаб этилмайди. Спортнинг турига қараб спорт майдонларини танлаб, баҳона эмас, имконият излаб мусобақаларни ўтказиш мумкин. Бунинг учун эса истак, интилиш бўлиши керак, — дейди тармоқ ходимлари касаба уюшма шаҳар қўмитаси раисининг ўринбосари-ижтимоий иқтисодий ҳимоя бўлимининг мудири К.Г. Крафт.

Кези келганда шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, оилавий жамоаларнинг мазкур спартакиадасига корхоналарнинг касаба уюшма қўмиталари масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ёндошдилар. Жумладан, «Тошгаз» бошқармаси оилавий спорт жамоаларининг корхонанинг рамзий белгиси бўлган бир хил спорт либосида келганлиги барча иштирокчилар ва ишқибозларнинг диққат-эътиборини ўзига қаратиб, бу ўзлари меҳнат қилаётган жамоага садоқат ва спартакиадага нисбатан ҳурмат-эътиборнинг белгиси сифатида улардан келгусидаги мусобақаларда ибрат олиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Таъбир жоиз бўлса спорт байрамига айланган оилавий спартакиада барчага бир олам қувонч, унутилмас лаҳзаларни ҳадя этиб, ёркин таассурот қолдирди.

Улуғбек ПЎЛАТОВ.

Футбол

«БАЙНАЛМИЛАЛ» ЧЕМПИОНЛИК УЧУН КУРАШАДИ

Ампутант ногиронларнинг «Байналмилал» футбол жамоаси халқаро майдонда эришаётган ютуқлар таҳсинга сазовордир. Хусусан, Англия ва Сальвадорда ўтказилган жаҳон чемпионатларининг ғолиби бўлган ушбу жамоа ўзининг сермаҳсул ва чиройли ўйини билан жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари мухлислари ўртасида довруғ қозонган. Куни кеча бош мураббий Юрий Коночкин етакчилигида ўн икки нафар ўйинчидан иборат «Байналмилал» ногиронлар футбол жамоаси АҚШнинг Сиэтл шаҳрида 12-22 ноябрь кунлари бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун жўнаб кетди. Таркибидан Аъзам Исматов, Жамил Шукуров, Улуғбек Валихўжаев каби кўп марта жаҳон чемпионлари бўлган моҳир ўйинчилар ўрин олган ҳамшаҳарларимиз жамоасининг чемпион бўлиш ёки совринли ўринларни эгаллашлари учун барча имкониятлар етарли.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Инсон манфаатлари йўлида

БАХТ УЙИ — ЧИЛОНЗОРЛИКЛАРГА ТУҲФА

Ҳар бир йигит-қизнинг ҳаётида бир умрга ёдда қоладиган дақиқалар бўлади. Бу уларнинг келинлик ва куёвлик либосларини кийиб, никоҳдан тантанали равишда ўтиш онларидир.

Ҳа, дарҳақиқат бундай дақиқалар нафақат келин-куёвлар қалбига, балки уларнинг қариндош-уруғларию энг яқин кишиларига ҳам бир олам қувонч бағишлайди. Бундай дақиқалар фуқаролик ҳолатларини қайд этиш идораларида амалга оширилади. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда, яқин-яқинларгача чилонзорликлар ўз туманларида ана шундай ҳаяжонли дақиқаларни рўйхатдан ўтказиш борасида керакли шароитга, қулайликка эга эмасдилар. Уларнинг аксарияти шаҳримиз марказида жойлашган Бахт уйларига бориб никоҳдан ўтар эдилар. Мана эндиликда эса ёш келин-куёвлар Чилонзор туманидаги Бахт уйида — гўзал, ёруғ ва шинам бинода ўз никоҳларини қайд эттирадиган бўлдилар.

Куни кеча ана шу Бахт уйининг тантанали очилиш маросими бўлди. Шу муносабат билан янги бино атрофига шу бинога туташ уйларда истиқомат қилувчи аҳоли ҳам ташриф буюрди. Уларнинг ҳар бири ушбу Бахт уйининг очилганлиги айни муддао эканлигини қувонч билан таъкидлар эдилар. Ушбу маросимга шаҳар ва туманнинг раҳбарлари ҳам келишди. Рамзий тасма тантанали равишда қирқилди. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р. Акромов, Чилонзор туманининг ҳокими Ш. Қосимов, Чилонзор тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси М. Содиқова, пойтахт Адлия бошқармасининг вакиллари бу ерда сўзга чиқдилар. Улар ўз сўзларида давлатимизнинг оилалар ролини оширишга, ўсиб келаётган авлоднинг жисмонан ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлишига, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта аҳамият бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Вақт, умр ўтаверади. Лекин оила ҳар доим давлатнинг тараққиёти ва гуллаб-яшнашида муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан олганда бўлғуси оиланинг мустаҳкам ва бахтли бўлиши кўп жиҳатдан бахтли ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларга боғлиқдир. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда республикамизда қабул қилинган, бир қатор янгиликларни ўзида жамулжам этган янги Оила кодексининг ўрни бениҳоя салмоқлидир. Оила кодекси миллат наслнасабини мустаҳкамлаш ва сақлаш учун насл хасталикларининг олдини олиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратган. Қонунда никоҳ шартномасини имзолаш ҳам кўзда тутилган. Хуллас, амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар оилаларнинг соғлом ва мустаҳкам бўлишини кўзда тутади.

Чилонзорликларга туҳфа этилган Бахт уйининг очилиш кунига келганларнинг ҳаммасининг қалбидан бир фикр ўтди: бу ерга келиб никоҳдан ўтган ёшлар бахтли бўлишсин, қўша қаришсин.

(Ўз мухбиримиз).

СУРАТЛАРДА: янги Бахт уйида. Сергей Любчич олган суратлар.

Шифокор маслаҳати

ФАРЗАНДИНГИЗНИ ШАМОЛЛАШДАН САҚЛАНГ

Болаларда шамоллаш касалликлари айниқса куз, қиш, баҳор ойларида бўлади, чунки шу мавсумларда ҳаво ҳарорати совий бошлайди ва яхши чиниқмаган, нозик, нимжон болалар, сунъий озиқланган, иммунитети паст болалар тез касалликка чалинади.

Болаларни мавсумга мос равишда кийинтириш зарур, яъни бола кийимининг ички қисми, танага тегиб турган қисми албатта пахтадан қилинган матодан бўлиши зарур. Чунки танадаги ҳаво алмашинуви нормада бўлади. Сунъий, ҳаво ўтказмайдиган мато кийган болалар кўп терлаб, қизиб кетиши туфайли ҳам совуқ ҳароратда боланинг шамоллашига олиб келади. Болаларни шамоллаш касаллигидан асраш учун у тўғри озиқланиши ва танаси чиниқтирилган бўлиши зарур. Бунинг учун бола туғилгандан она сути билан озиқланса болада иммунитет яхши ривожланади ва жисмонан соғлом ўсади. Ўз вақтида мева шарбатлари, сутли таомлар: творог, қатиқ, гўштли тефтеллар, фрикаделлар ва ҳар хил ёшга мўлжалланган тўйимли озиқ-овқатлар истеъмол қилиши зарур, тўғри озиқланган болада камқонлик бўлмайди. Бу эса ўз вақтида болаларда инфекцияга, вирусга қарши кучини оширади ва касалланганда ҳам енгил ўтади. Жисмонан носоғлом, заиф, нимжон болалар касалликка тез чалинади ва кўпинча оғир кечади.

Болалар каттароқ бўлгани сари кўчага чиқиб, боғча-ясли, мактабларга қатнаб, болалар билан кўпроқ мулоқотда бўлади. Мулоқот пайтида аксириш, гаплашиш, йўталиш сабабли ҳаво орқали вирус ёки микроблар кириб нафас йўлларига таъсир қилиб, шамоллаш аломатлари пайдо бўлади.

Шамоллаш касаллиги бошланишининг биринчи аломатлари:

бурун оқиши:

томоқда қичиш ёки ачишиш ҳолатлари, томоғи очиб қаралганда яллиғланиш, қизариб туриши;

бош оғриги, кўз атрофида, пешона қисмида оғриқ бўлади;

кўзлари ёшланади;

териси, бадани увишиб иссиғи кўтарила бошлайди, сўнгра қуруқ йўтал пайдо бўлади.

Шундай ҳолатни сезган она албатта болани педиатр, яъни болалар шифокорига кўрсатиши зарур ва ўз вақтида даволанса касаллик асоратсиз тузалади.

Вирус эпидемияси вақтида болаларни айниқса эҳтиёт қилиш зарур, яъни касаллардан узоқда сақлаш зарур. Касаллик юқмаслиги учун вирусга қарши бурунга оксалин мази ёки интерферон томизиб қўйиш зарур.

Касал бўлган одам алоҳида хонага ётқизилиши зарур, касалга қараган одам 4 қаватли дока ниқобдан фойдаланиши керак. Айниқса грипп эпидемиясида бемор ётган хона тез-тез шамоллатиб турилиши ва беморнинг идиш-товоғи алоҳида бўлиши зарур.

Тез-тез суюқлик ичиш зарур. Лекин тана ҳарорати кўтарилса, шифокорни уйга чақириш лозим, шифокорга кўрсатмай туриб ўз билганича даволамаслик керак.

Касалликнинг олдини олиш учун ёш болаларни касал одамлар билан мулоқотдан асраш, ҳаво ҳароратига мослаб кийинтириш, ёз кунлари тоза ҳаво, сув ва жисмоний тарбия, ҳаво ванналари билан чиниқтириш зарур.

Жисмонан ва руҳан соғлом фарзанд ота-она бахтидир.

Гулнора РАШИДОВА, болалар шифокори.

Бу ажиб дунё

УЧ ТИЛЛИ

Одамнинг тили кўп бўлса ҳам гапира олмас экан. Хитойлик бир боланинг беш ёшида оғзида қўшимча иккита тил ўсиб чиқди. Уч тилли бола қарийб 20 йил гапира олмади. Охири врачлар операция йўли билан қўшимча икки тилни олиб ташлашди. Ҳозирда йигит 32 ёшда. Бемалол гапира олади. Лекин гоҳи-гоҳида яна қўшимча тил ўсиб чиқмасин-да, деб хавотирга тушади.

29 БАРМОҚЛИ

Бу бола аллақачон кексайиб, ёшини яшаб, ошини ошаб, ўтиб кетган. Лондоннинг шимолий қисмида яшаган боладаги ғаройиб бармоқлар ҳақида олимлар кейинчалик хабар топишди. Унинг қўлларида 29 та, оёқларида 15 та бармоқ ва панжалари бор эди. Замбези кўли атрофларида ва Калахари саҳросида эса бор-йўғи 2 бармоқли одамлар яшайдилар. Уларнинг оёқларида ҳам 2 тадан панжалари бор. Аммо улар узоқ саёҳатларга чиқишда, катта масофаларга югуришда одатдаги 5 панжали одамлардан 2 баробар кучлидирлар.

АЖАЛИ ЕТМАГАНЛАР

Бу ёруғ оламда ризқу насибаси тугамаган бўлса, қабрдан ҳам қайтиш мумкин экан. Францияннинг Лион шаҳри атрофида яшовчи етмиш ёшли қария иш жойида ҳушидан кетди. Шифокор унинг юраги уришдан тўхтаганини аниқлаб, ўлди деган хулосага келди. Ўликхонада уни ечинтиришаётганда қария кутилмаганда: — Мени шилишаяпти, ёрдам беринглар! — дея бор овози билан бақириб юборди.

Ўттиз икки ёшли Али Абдул-Роҳим Муҳаммад Мисрнинг шимолидаги Молови шаҳридаги мактабларда араб тилидан дарс берарди. У денгизда чўмилаётиб ҳушидан кетди. Шифокор унга офтоб уришидан вафот этди, деган ташҳис қўйди. Орадан беш соат ўтгач, музхонада уни ёриб кўришга чоғланганда ўзига келди. Али бу ерда шунчалар совқотган эдики, тили калимага келмади. Ўлдига чиқарилган йигит уйига — жанозага ҳозирлик кўраётган ота-онасига қўнғироқ қилди.

Ўтган йилнинг август ойида Африкадаги Фил суяги қирғоқлари мамлакатларининг шарқий қисмидаги қишлоқларнинг бирида икки ёшли Моната Лафисса исмли қиз сирли касаллик оқибатида вафот этди. Расм-русумни қилиб кўмишди. Орадан уч кун ўтгач, гўрковлар янги қабр остидан инграётган овоз эшитиб қолишди. Қабрни очиб қарашса, дафн этилган бечора қиз тирик экан.

20 КИШИНИ ЮТГАН ҚАБР

Болгариянинг Тетевен деган жойидаги қабристонда дафн маросими бўлаётганди. Шунда ҳамманинг кўзи ўнгида битта қабр очилди-ю 20 кишини ютиб юборди ва шу заҳотиёқ бекилди.

ТИНИБ-ТИНЧИМАГАН ОДАМЛАР

Инсон ҳамма нарсага қодир. Афинадаги зоомагазин хўжайини балиқларни инсон билан гаплашишга ўргатиш учун узоқ вақт меҳнат қилди. У ўзи боқаётган бир нечта балиқни думи билан стулга ўтиришга, сузгичлари билан хайрлашишга, эгилиб салом беришга ўргатди. Балиқлар, шунингдек, оғзини очиб сўзларни қулоққа эшитилмайдиган даражада талаффуз қиладилар.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тўплади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АВИАБАНК»

ҲИССАДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

Сизларга жисмоний шахслар учун омонатларнинг қуйидаги турлари ва улар бўйича фоизларни таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА

Талаб қилиб олгунича — 8 фоиз йиллик

Бир ойлик муддатга муддатли депозит — 3 фоиз

Олти ойлик муддатга муддатли депозит — ҳар ойда 2,5 фоиздан (талаб қилинмаган фоиз миқдори капитализациялаштирилади)

Уч йилдан ортиқ муддатга мўлжалланган муддатли депозит — фоизлар капитализациялаштирилган ҳолда 36 фоиз йиллик

«НИЯТ» йиғма омонати — 15 фоиз йиллик

Ушбу омонат теле-, радио, видеоаппаратураларни сотиб олиш, мебель харид қилиш, тўй тантаналарини ўтказиш, даволаниш, ўқиш, турли-туман халқ истеъмоли молларини сотиб олиш учун кейинчалик истеъмол кредити олиш мақсадида қисман пул маблағларини тўплаш учун жорий этилди.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА (АҚШ ДОЛЛАРИ)

300 дан 5000 гача қолдиқ бўлганида талаб қилиб олгунича депозит — 3 фоиз йиллик

Бир йил ва ундан юқори муддатга муддатли депозит — 3,5 фоиз йиллик

Икки йил ва ундан юқори муддатга муддатли депозит — 4,0 фоиз йиллик

5000 дан 10000 гача қолдиқ бўлганида

Талаб қилиб олгунича депозит — 3,5 фоиз йиллик

Бир йил ва ундан юқори муддатга муддатли депозит — 4,0 фоиз йиллик

Икки йил ва ундан юқори муддатга муддатли депозит 4,5 фоиз йиллик

10000 дан ортиқ қолдиқ бўлганида

Талаб қилиб олгунича депозит — 4,0 фоиз йиллик

Бир йил ва ундан юқори муддатга муддатли депозит — 4,5 фоиз йиллик

Икки йил ва ундан юқори муддатга муддатли депозит — 5,0 фоиз йиллик

БОЙИБ КЕТИШ БОРАСИДАГИ ЎЗ ИМКОНИЯТИНГИЗНИ ҚЎЛДАН БЕРМАНГ!

Қўшимча маълумотни сиз 54-79-53 телефони орқали олишингиз мумкин.

Бизнинг манзилимиз: Нукус кўчаси, 86-а уй.

2000 йил 18 ноябрь соат 18.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ «ЎЗБЕКНАВО» ГАСТРОЛ-КОНЦЕРТ БИРЛАШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЧЕРНОБИЛЧИЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ САНЪАТ САРОЙИДА (ПАНОРАМА)

2000 йил 18 ноябрь соат 18.00

СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИГА БАҒИШЛАБ ФАҚАТ БИР КУН ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР

МАҲМУД НОМОЗОВ

СОБИР МЎМИНОВ

«НИҲОЛ» МУКОФОТИНИНГ СОВРИНДОРИ

ДИЛФУЗА РАҲИМОВА

ХОНАНДАЛАР

ШУҲРАТ ҚАЮМОВ, УМИДА МИРҲАМИДОВА, АСЛИДДИН ДЎСТОВ, ДАВРОН ЭРГАШЕВ, ИСРОИЛ САИДУМАРОВ, АЛИШЕР РЎЗМАТОВ, «ФАЁД», «ЁШЛАР», «ТУРОН» ГУРУҲЛАРИ, «ҚАҲ-ҚАҲ-ҲА» ТЕАТР СТУДИЯСИ КОНЦЕРТ ДАСТУРИНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ

«Гранд», «Сезам» радиоларининг информацион қўллаб-қувватлаши остида

Чипталар: А. Навоий номидаги Санъат саройи кассаларида сотилмоқда.

Маълумот учун телефонлар: 41-04-90, 45-75-08, 137-58-30.

Пойтахт савдо давлат унитар корхонаси ҳамда Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2000 йил 30 ноябрь соат 10⁰⁰ да очиқ савдо ўтказади.

Савдога савдо дўконларини 2001 йил 30 июнгача ижарага олиш ва фойдаланиш ҳуқуқи қўйилган. Савдо дўконлари Амир Темур ва Аҳмад Дониш кўчалари кесишган йўлдаги пиёдалар ер ости ўтиш йўлида жойлашган.

Савдода қатнашиш ҳуқуқи олдиндан ариза топширган ҳамда савдо дўконларининг жойлашган ўрнига қараб 200000 дан 600000 сўмгача закалат ўтказган шахсларга берилади.

САВДО ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Тошкент шаҳар, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, 1-қават, 1-хона, Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Мурожаат учун телефонлар 133-07-44, 133-41-70, 144-43-77, 144-72-49.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Симерс» хусусий корхонаси (коди ОКПО 16344032) тугатилади. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида 162-79-59 телефони орқали қабул қилинади

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни ётказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1007. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 12.20 1 2 3 4 5 6